

Демография ва меҳнат бозори

Дастлабки маълумотларга кўра, 2017 йилнинг 1 апрель ҳолатига вилоятда доимий аҳоли сони 2661,0 минг кишини ташкил қилди ва йил бошидан 8664 кишига ёки 0,3 фоизга кўпайди.

Аҳолининг табиий ҳаракати 2017 йил январь-мартда қуйидагича ифодаланади:

	Киши			Ҳар 1000 кишига	
	2016 й.	2017 й. ¹⁾	ўсиш, камайиш (-)	2016 й.	2017 й. ¹⁾
Туғилганлар	13270	12254	-1016	20,5	18,7
Ўлганлар	3323	3251	-72	5,1	5,0
шу жумладан бир ёшгача болалар 1000 туғилган болаларга нисбатан	157	249	92	0,1	0,2
Табиий ўсиш	9947	9003	-944	15,3	13,7
Никоҳлар	3168	3197	29	4,9	4,9
Ажралишлар	535	540	5	0,8	0,8

Туғилиш даражаси. 2017 йилнинг январь-мартида туғилганлар сони 12254 кишини ташкил қилди ва 2016 йилнинг шу даврига (13270 киши) нисбатан 1016 тага камайди. Туғилиш коэффициенти мос равишда 18,7 промиллени ташкил қилди ва 2016 йилнинг шу даврига (20,5 промилле) нисбатан 1,8 промиллега камайди.

Туғилиш даражасининг кўпайиши вилоятнинг Мингбулоқ (18,9 дан 19,3 промиллега), Наманган (17,2 дан 17,9 промиллега), Уйчи (19,0 дан 19,4 промиллега) туманларида кузатилди.

¹⁾ дастлабки маълумот

Ўлим даражаси. 2017 йилнинг январь-мартида ўлганлар сони 3251 кишини ташкил қилди ва 2016 йилнинг шу даврига (3323 киши) нисбатан 72 тага камайди. Мос равишда ўлим коэффициенти 5,0 промиллени ташкил қилди (2016 йил январь-мартида – 5,1 промилле).

Ўлганлар сонининг кўпайиши Наманган (3,8 дан 4,0 промиллега), Поп (4,5 дан 4,6 промиллега), Тўрақўрғон (5,0 дан 5,4 промиллега), Учқўрғон (5,1 дан 5,4 промиллега), Чуст (4,3 дан 4,8 промиллега) ва Янгиқўрғон (4,6 дан 4,9 промиллега) туманларида кузатилди.

Ўлганлар умумий сонидан 63,6 фоизи қон айланиш тизими касалликларидан, 14,1 фоизи - нафас олиш органлари касалликларидан, 5,2 фоизи - бахтсиз ҳодиса, захарланиш ва жароҳатлардан вафот этган.

Дастлабки маълумотларга кўра, 2017 йилнинг январь-мартида бир ёшга тўлмаган 249 та болалар ўлими кузатилди. Болалар ўлими коэффициенти 0,2 промиллени ташкил қилди (2016 йилнинг январь-мартида 0,1 промилле).

Бир ёшгача ўлган болаларнинг умумий сонидан 50,4 фоизи – нафас олиш органлари касалликларидан, 27,1 фоизи перинатал даврда юзага келадиган ҳолатлардан ва 16,4 фоизи – туғма аномалиялар билан касалланганлиги сабабли вафот этган.


Никоҳлар ва ажралишлар. 2017 йилнинг январь-мартида ФХДЁ органларида 3197 та никоҳлар ва 540 та ажралишлар рўйхатга олинди. Минг аҳолига нисбатан 4,9 та никоҳ (2016 йилнинг тегишли даврида – 4,9 та) ва 0,8 та ажралишлар (2016 йилнинг тегишли даврида – 0,8 та) тўғри келади.

Миграция. Дастлабки маълумотларга кўра, 2017 йилнинг январь-март ойларида вилоят бўйича кўчиб келганлар сони 1135 кишини, шу давр мобайнида кўчиб кетганлар сони эса 1474 кишини ташкил қилди. Миграция қолдиғи минус 339 кишига (2016 йилнинг шу даврида - минус 202 киши) тенг бўлди.

Энг катта минус қолдиғлар Наманган шаҳрида (минус 331), Мингбулоқ (минус 61), Чуст (минус 46) туманларида кузатилди.

Аҳолининг табиий ҳаракати 2017 йил январь-мартда қуйидагича ифодаланади:

Ҳар 1000 кишига



Меҳнат ресурсларининг сони дастлабки маълумотларга кўра, 2016 йил январь-мартга нисбатан 101,0 фоизга кўпайиб, 1542,3 минг кишини ёки вилоят доимий аҳолисининг 58,0 фоизини ташкил қилди.


2017 йил январь-мартда бандликка кўмаклашувчи марказларига ишга жойлаштиришда ёрдам беришни сўраб, 4722 нафар фуқаро мурожаат қилди. Иш қидириб мурожаат этганлар Наманган шаҳрида (838 кишига), Наманган (489 кишига), Чуст (433 кишига), Тўрақўрғон (420 кишига) ва Учқўрғон (438 кишига) туманларида кўп.

Бандликка кўмаклашувчи марказларига мурожаат қилган фуқаролардан 4324 нафари ишга жойлаштирилди. Айниқса ушбу кўрсаткич, Наманган (787 киши) шаҳрида, Чуст (426 киши), Наманган (457 киши) ва Норин (353 киши) туманларида юқори даражада бўлди.

Ўтган давр мобайнида бандликка кўмаклашувчи марказларида рўйхатга олинган фуқаролардан 493 нафари ишсизлик мақомини олган.

Бандликка кўмаклашувчи марказлари орқали ишга жойлаштирилган фуқаролар сони қуйидагича ифодаланади:

(киши)



■ 2016 йил январь-март

■ 2017 йил январь-март